

## Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 548-ҳадис

548 - **«Бир тўлов мажбуриятини\* зиммамга олдим. Кейин шу борада (ёрдам) сўраб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга келдим. У зот: «Тура турчи, бизга садақа келиб қолса, ўшани сенга деб (беришни) буюрармиз», дедилар. Сўнг шундай дедилар: «Эй Қабиса, сўраш тиланиш уч кишигагина ҳалол бўлади».**

**«Бирор тўлов мажбуриятини зиммасига олган киши. Ўшани қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол, кейин тийилади».**

1. 548. Абу Бишр Қабиса ибн Мухорик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

**«Бир тўлов мажбуриятини\* зиммамга олдим. Кейин шу борада (ёрдам) сўраб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга келдим. У зот: «Тура турчи, бизга садақа келиб қолса, ўшани сенга деб (беришни) буюрармиз», дедилар. Сўнг шундай дедилар: «Эй Қабиса, сўраш тиланиш уч кишигагина ҳалол бўлади».**

**Бирор тўлов мажбуриятини зиммасига олган киши. Ўшани қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол, кейин тийилади;**

**Молмулкини бирор офат йўқ қилган киши. Унга то яшашга яроқли нарсани [ёки «яшашга етарли нарсани»] қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол бўлади;**

**Қашшоқлик етиб, қавмидан учта аҳли дониш «Ҳақиқатан, фалончига қашшоқлик етди» дейдиган киши, унга ҳам то яшашга яроқли нарсани [ёки «яшашга етарли нарсани»] қўлга киритгунча сўраш тиланиш ҳалол бўлади.**

**Аммо бундан бошқасида, эй Қабиса, тиланчилик қилиш ҳаром. Унинг соҳиби ҳаромни еган бўлади», дедилар.**

*Имом Муслим ривояти.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI